



# МАҚОМ САНЪАТИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ, АСРЛАР ОША ЯНГРАБ КЕЛАЁТГАН НОЁБ ОВОЗИ

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрида учинчи Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимида иштирок этиб, нутқ сўзлади.



Анжуманда UNESCO, ICESCO, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Туркий оқсоқоллар кенгаши, ТУРКСОЙ, Туркий Парламент Ассамблеяси, Туркий маданият ва мерос жамғармаси ҳамда бошқа халқаро тузилмалар раҳбарлари, чет давлатларнинг

маданият вазирлари ва муҳтарам элчилари, 80 дан ортиқ хорижий мамлакатнинг 250 га яқин маданият ва санъат вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ушбу нуфузли анжуман хусусида фикр билдираркан, “Санъат — қалбларни бирлаштирадиган, одамларга эзгулик улашадиган маънавият

кўприғидир деб бежиз айтилмаган. Шу маънода, юртимизда доимий тус олган ушбу анжуман — мақом санъатининг умумбашарий нуфузини оширишга хизмат қилаётган жаҳон саҳнасига айланиб бормоқда”, деди.

Чиндан ҳам, мақом санъати шунчаки куй, оҳанг ва ижро маҳорати эмас, балки

халқимизнинг маънавий қудрати, юксак илмий салоҳиятининг том маънодаги олий мақомидир. Ушбу санъат асрлар оша тўпланган тажриба, чуқур илмий изланишлар ва бетакрор истеъдод эгаларининг меҳнати самараси ҳамдир.

Биз мақом санъати деганда моҳир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларни

қўз олдимизга келтираемиз. Ҳеч шубҳасиз, бунда уларнинг бекиёс, машаққатли меҳнати бор. Шу билан бирга, улуг шoir ва қомусий олимлар ҳам ушбу санъат ривожига улкан ҳисса қўшган.

Масалан, Абу Наср Форобий “Қатта мусиқа китоби”да мусиқа санъатининг назарий ва амалий мезонларини уд сози

орқали мукамал тартибга келтирган. Буюк мутафаккир Муҳаммад Хоразмий “Илмлар қалити” китобининг мусиқага бағишланган қисмида ўша даврдаги мусиқа чолгулари ҳақида аниқ маълумотлар берган.

➤ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ УЧИНЧИ ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бетакрор Ўзбекистон заминидан учинчи бор ўтказилаётган Халқаро мақом санъати анжуманида дунёнинг турли қитъа ва мамлакатларидан ташриф буюрган таниқли санъат ва маданият намояндаларини кўриб турганимдан мамнунман.

Санъат — қалбларни бирлаштирадиган, одамларга эзгулик улашадиган маънавият кўприғидир деб бежиз айтилмаган. Шу маънода, юртимизда доимий тус олган ушбу анжуман — мақом санъатининг умумбашарий нуфузини оширишга хизмат қилаётган жаҳон саҳнасига айланиб бормоқда.

Бугунги тадбиримизда UNESCO, ICESCO, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай

ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Туркий оқсоқоллар кенгаши, ТУРКСОЙ, Туркий Парламент Ассамблеяси, Туркий маданият ва мерос жамғармаси ҳамда бошқа халқаро тузилмалар раҳбарлари, чет давлатларнинг маданият вазирлари ҳамда муҳтарам элчилари, 80 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг 250 га яқин маданият ва санъат вакиллари иштирок этаётгани анжуманимизга алоҳида фойз ва шуқуҳ бағишламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ-яқин юрتلардан ташриф буюрган азиз меҳмонларимизга ўзининг самимий миннатдорлигини билдираман.

Янги Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Ўзбекистон заминидан ҳар бир туман, ҳар бир вилоят, ҳар бир ҳудуд ўзига хос санъати ва маданияти, кадрият ва аъёнлари,

машҳур ижодкорларига эга. Бугунги анжуманимиз ўтаётган сўлим ва гўзал Наманган дёри ҳам ана шундай табарруқ маскандир. Наманган ўзининг тадбиркорлари, обод шаҳар ва қишлоқлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, санъат ҳамда спортдаги ютуқлари, билимли ва шижоатли ёшлари билан алоҳида эътирофга лойиқ.

Шу кунларда ушбу файзу тароватли заминда юксак даражада ташкил этилган, бутун дунёга машҳур 65-халқаро Наманган гуллар фестивали шоду хуррамлик билан давом этмоқда. Ва мен бугунги имкониятдан фойдаланиб, бутун халқимизни, барча нафосат шайдоларини хурсанд қилаётган ана шундай улкан байрам билан сиз, азизларни — меҳнаткаш ва миришкор, оққўнгил, пок ниятли Наманган аҳлини яна бир бор самимий табриклияман.

Мазкур фестиваль Янги Ўзбекистон шароитида оддий гуллар кўргазмасидан халқаро миқёсда эътироф этилаётган катта маданий ҳодиса, ўзига хос миллий бренд даражасига кўтарилганини биз нафақат Фарғона водийси, балки бутун мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар самараси сифатида қабул қиламиз.

Бугунги кунда кўркам чаманзорга айланган Наманган дёрида жорий йилнинг ўзида 150 миллион тупдан ортиқ гул кўчатлари ўтқазилгани ва бу натижа халқаро миқёсда тан олиниб, “Гиннесснинг рекордлар китоби”га киритилгани ҳар томонлама эътибор ва таҳсинга сазовор, ибрат олишга арийдиган воқеа, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

➤ Давоми 2-бетда

## ТАДБИРКОРЛИКДА ИЛҒОР ТАЖРИБА ЯРАТАЁТГАН, ЗАМОНАВИЙЛИК АСОСИДА ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ ТУТАЁТГАН НАМАНГАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 июнь куни жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда турли соҳаларда амалга оширилаётган лойиҳалар ва жорий қилинган илғор ечимлар билан танишиш мақсадида ташриф билан Наманган вилоятида бўлди.

Наманган ҳақида гап кетганда ҳаёлимизга вилоятнинг тадбиркор, ишбилармон, меҳнатсевар одамлари келади. Чунки бугун наманганлик тадбиркорлар нафақат ички, балки ташқи бозорларни ҳам забт этипти. Шунга яраша вилоят иқтисодиёти, одамлар турмуш тарзи тобора яхшиланиб бормоқда.

Шароит, имконият ва қўллаб-қувватлов бўлган жойда ривожланиш тез кўзга ташланади. Одамлар турмуши яхшиланиб, иқтисодиёт юксалади. Ободлик, фаровонлик белгилари ҳаётнинг оддий ўзгаришларида намоён бўла бошлайди.

➤ Давоми 3-бетда

## 180 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ЮКСАК МАРРА: ОЧИҚЛИКДАН СТРАТЕГИК БАРҚАРОРЛИК САРИ




Жаҳон иқтисодиёти беқарорлик, геосиёсий қарама-қаршиликлар ва глобал рақобатнинг янги босқичига кириб бораётган бугунги шароитда ҳар қандай мамлакат тараққиёти мезони унинг иқтисодий қудрати, инвестициявий жозибдорлиги ва халқаро ҳамкорлар ишончини қанчалик қозона олгани билан белгиланмоқда.



Пойтахтимизда бўлиб ўтган бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ана шу ҳақиқатнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди. Мазкур форум Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатди.

Форум яли мажлисида давлатимиз раҳбари мамлакат иқтисодиётининг бугунги натижалари ва истиқболларига алоҳида тўхталиб, муҳим бир рақамни тилга олди: “Кўпчиликнинг ёдида, биз тўрт йил аввал бўлиб ўтган илк форумда 2026 йил якунига келиб Ўзбекистоннинг яли ички маҳсулотини 100 миллиард долларга етказишни мақсад қилган эдик. Жадал сураётларда ўсиб бораётган иқтисодиётимиз бу йил 180 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда!”.

➤ Давоми 4-бетда



Ижтимоий ҳимоя

## МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК БИЛАН

Амударё тумани “Тошқалъа” маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари билан ишлаш тизими ижобий самара бериб келмоқда. Маҳаллада жами 630 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда 950 та оила истиқомат қилади. Умумий аҳоли сони 3345 нафар. Нисбатан катта ҳудудда яшовчи инсонларнинг муаммоси, қувончи ва ташивиш бевосита маҳалла фаоллари, хусусан, ижтимоий ходимларнинг доимий эътиборида.

Маҳалла ижтимоий ходими Дониёр Жумамуродов зиммасига айнан шундай улкан ва масъулиятли вазифа юклатилган. У аҳолининг 12 та турли тоифадаги қатлами билан тизимли равишда ишлаб,

муҳтож инсонларга давлатнинг ғамхўрлигини етказишда муҳим кўприк вазифасини ўтамоқда.

➤ Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ УЧИНЧИ ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ

АНЖУМАНИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Минг раҳмат сизларга, қўлларингиз ҳеч қачон дард кўрмасин!  
Азиз юртдошлар!  
Наманган буюк шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб, Нодим, Фазлий, Мажзуб Намангоний, Сўфизода, Ибрат, Усмон Носир, Чустий, Ҳабиб Саъдулла каби атоқли сўз санъаткорларини камолга етказган савоатли заминдир. Бу улуг зотлар қаторида миллий мусиқа маданиятимиз ривожда ўчмас из қолдирган Рўзиматхон Исабоев, Ваҳобжон Абдуллаев, Маҳмуджон Муҳаммедов, Эргаш Йўлдошев, Саиджон Калонов, Турсунбой Мамедова, Камолитдин Раҳимов, Ҳабиба Охунова, Ўринбой Нуралиев, Ҳадия Юсупова, Жўраҳон Раҳимов сингари эл танинган ҳофизлар, созанда ва бастакорларнинг номларини бугун ҳам ҳурмат билан тилга оламиз.

Ушбу ўлмас сиймоларнинг бой ижодий мероси янги-янги санъаткорлар авлоди учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Қадрли дўстлар!  
UNESCO томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган мақом нақадар буюк ва ноёб санъат эканини барчамиз яхши билимиз ва халқро ҳамжамиятнинг бундай эътирофини юксак қадрлаймиз. Зеро, мақом бу оддий мусиқа эмас. Мақом — миллиятнинг хотираси, халқнинг қалби ва асрлар оша янграб келаятган маънавий овозидир. Унда ажодлар ҳикмати, орзу-умидлари, дарди ва қувончи мужассам, десам, ўйлайманки, фикримга қўшилисиз.

Юртимизда ўтказилаётган учинчи Халқро мақом санъати анжуманининг асосий мақсади — ана шундай ноёб меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, келгуси авлодларга безавол етказишдан иборат.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда мақом санъати нуфузини миллий ва халқро миқёсда янги босқичга кўтариш маданият соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бугун нафақат мақом ижрочилиги, балки унинг назарий асослари ҳам чуқур ўрганилмоқда. Хусусан, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абдулқодир Мароғий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Комил Хоразмий, Абдурауф Фитрат, шунингдек, Юнус Ражабий, Файзулла Караматов, Исҳоқ Ражабов каби алломаларнинг илмий асарлари, мақомшунослик анъаналари давом эттирилмоқда.

Мақом санъатининг назарий, тарихий ва фалсафий масалаларини ўрганадиган махсус илмий кенгашлар фаолияти янги босқичга олиб чиқилмоқда. Биз соҳада юксак билим ва малакага эга кадрларни тарбиялаш вазифасига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу борада “мусиқа мактаби — ихтисослашган мактаб — олийгоҳ” тизими йўлга қўйилгани ёшларимизнинг аниқ дастурлар асосида узлуксиз таълим олишига мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда маданият ва санъатнинг 21 та йўналишида, хусусан, мақом бўйича ҳам ижодий бирлашма ташкил қилдик. Ушбу бирлашмалар жамиятимизнинг энг қуйи бўғини бўлган маҳалладан

бошлаб ижодкор ёшларни топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва истеъдодини юзага чиқаришга кўмак беради. Эндиликда ёш мақомчиларнинг ижодида янги нафас олиб кириш учун ҳар бир маҳалла, туман, вилоят ва республика миқёсда танловлар ўтказамиз.

Қадрли дўстлар!  
Ҳозирги вақтда “Шашмақом” дурдоналари, Фарғона — Тошкент ва Хоразм мақомларининг ўрганилмаган матнлари ҳамда ноёб ижро услублари қайта тикланмоқда. Айни йўналишда йирик илмий ва академик наشرлар, овозли архивлар тайёрланмоқда.

Биз ана шундай ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Янги Тошкентда мухташам Мақом марказини барпо этишга киришдик. Ушбу масканни Дунё мақом маркази деб номласак ва унинг қошида Халқро мақом академиясини ташкил этсак, нима дейсизлар?

Ишонаманки, бу маданий қошона жаҳон мақом санъатининг йирик илмий-тадқиқот марказига айланади. Академияда Ўзбек мақом мактаблари билан бир қаторда араб, турк, форс, тожик, ҳинд ва бошқа Шарқ мумтоз мусиқа йўналишлари ҳам ўқитилади. Мазкур даргоҳда мақомни севадиган дунё ёшлари учун “устоз-шогирд” анъаналари асосида маҳорат амалиёти дастурлари йўлга қўйилади ва бунга махсус грантлар ажратилади.

Марказ қошида дунё миқёсидаги энг ноёб мусиқий қўлёзмалар, товуш ёзувлари ва нота архивларини ўзида мужассам этган Халқро рақамли кутубхона ва лаборатория ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, янги мажмуа соҳа олимлари ва санъатшуносларни бирлаштирадиган глобал илмий-академик платформа бўлади.

Дунё халқларининг мақом, мўғом, мукам, дастгоҳ каби мумтоз мусиқа намуналари ҳақидаги маълумотларни ягона рақамли маконга кўчириш вақти келди. Шу боис, мақом санъати олимлари ва ижодкорларини Жаҳон мақом антологиясини яратишга чақираман. Бунда дунёдаги барча мақом асарлари, ноталар, аудио ва видео ёзувлар, илмий тадқиқотлар ягона рақамли платформага жойлаштирилади, мақом ижроси бўйича мобил илова ишга туширилиб, унинг фонотекаси доимий равишда янгиланб борилади.

Ўйлайманки, бугунги анжуманда иштирок этаётган санъаткор ва мусиқашунослар бу муҳим жараёнга муносиб ҳисса қўшадилар.

Мақом илмини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида халқро жамғарма ташкил қилишни таклиф этамиз. Ушбу Жамғарма грантлари мақом бўйича илмий изланишларни, ноёб манбаларни ўрганиш, инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва соҳа вакилларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилса, айни муддао бўлади.

Шу билан бирга, Жамғарма ҳисобидан Халқро мақом мукофоти ҳам таъсис этилиб, мақом ривожига катта ҳисса қўшган олим ва санъаткорлар ҳар икки йилда рағбатлантириб борилса, ўйлайманки, бу ҳам мақом санъатининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

“Шашмақом”нинг 6 та йўналиши бўйича ҳудудларимизда “Мақом йўли”

маданий-туристик маршрутини яратамиз. Жумладан, Бухорода “Бузрук” мақоми; Самарқандда “Рост” мақоми; Хивада “Хоразм” ва “Ироқ” мақоми; Қўқонда “Наво” мақоми; Шаҳрисабзда “Дугоҳ” мақоми; Тошкентда “Сегоҳ” мақоми бўйича туризм-тематик кўчалари ташкил этилади. Кафе ва ресторанлар, истироҳат боғлари ва хиёбонларда мақом кўшиқлари доим янграб туради.

Тадбиримизда қатнашаётган озарбайжонлик санъаткорлар мўғоми билан, туркиялик ижодкорлар мўқоми, тожикистонлик ҳофизлар мақоми, Ҳиндистон бадийи жамоалари “рага”си, Африка қитъаси вакиллари “нуба”си билан “Мақом йўли” маданий-туристик маршрутида фаол иштирок этсалар, дунё бўйлаб мақомнинг халқро обрў-эътибори янада юксалади деб ишонаман.

Юртимизда мақом асарларининг олтин фондини яратиб, халқимизга етказиб келаятган Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблига миллий давлат ансамбли мақомини берамиз. Аминманки, ушбу юксак эътироф машҳур ижодий жамоани янада руҳлантириб, миллий санъатимизнинг дурдона асарларини жаҳон саҳналарига олиб чиқишда янги куч-ғайрат ва илҳом бағишлайди.

Хурматли анжуман қатнашчилари!  
Ҳозирги глобаллашув даврида мақом — инсон қалби ва юрағида эзгу туйғуларни тарбиялайдиган, шу асосда ёшларнинг маънавий оламини юксалтирадиган ҳаётбахш сарчашма, десак, тўғри бўлади.

Мамлакатимизда яхши анъанага айланган Халқро мақом санъати анжумани

мақомнинг умрбоқий меросини келажак авлодларга етказиб берадиган халқро мулоқот майдонига айланиб бормоқда. Эзгу мақсад йўлида бошлаган бу ишларимиз сизлар каби фидойи инсонларнинг қўллаб-қувватлаши билан келгусида ҳам изчил давом этади деб ишонаман.

Мухтарам дўстлар!  
Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати унинг фақат иқтисодий бойлиги, ер ости ресурслари билангина эмас, юксак маданияти ва санъати билан ҳам ўлчанади. Шу сабабли биз бугун сизлар билан бирга ана шундай бебаҳо маънавий хазина — мақом санъати байрамини халқро даражада нишонламоқдамиз.

Ишончим комил, анжуман доирасида ўтказиладиган халқро илмий-амалий конференцияда билдириладиган таклифлар, маҳоратли ижрочиларнинг чиқишлари нафақат соҳа ривожига, балки халқлар ўртасида қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Барчамизнинг тилагимиз яқдил ва ҳамоҳанг: мақом санъатининг ҳар бир сўзи тинчликка хизмат қилсин, ҳар бир навоси халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамласин, ҳар бир садоси келажак авлодларга миллий ғурур ва маънавий куч бағишласин.

Мақомни севганлар ҳеч қачон кам бўлмасин!  
Учинчи Халқро мақом анжуманини очиб деб эълон қиламан.

Барчангизга сихат-саломатлик, жўшқин илҳом, янги ижодий ютуқлар, анжуман ишига эса улкан муваффақият тилайман.

МАҚОМ САНЪАТИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ,

АСРЛАР ОША ЯНГРАБ КЕЛАЁТГАН НОЁБ ОВОЗИ

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк ажодларимиз ҳам мусиқий асарлар битган. Шу орқали мақом санъати ривож топган. Айни сабаб туфайли ҳам мақом хослар санъати, дея эътироф этилган. Хосликнинг энг муҳим жиҳати эса ушбу санъат ўзида кўплаб билимларни жамлаганида, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда Учинчи Уйғонишга пойдевор қўйишга қаратилган халқчил сиёсат замирида ҳам ана шундай катта ҳаётий ҳақиқатлар мужассам.

Президентимиз ислохотларнинг илк давридаёқ боқий меросимизни янада оммалаштириш, халққа яқинлаштириш борасида иш бошлаган эди. Масалан, 2017 йил 17 ноябрь куни “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолаганди. 2018 йил сентябрда эса илк бор Халқро мақом санъати анжумани ўтказилди. Шу тариқа мамлакатимизда хослар санъатини оммалаштириш орқали бутун жамиятни юксалтириш, мумтоз санъат мақомига кўтаришга қаратилган амалий ҳаракатлар бошланди.

Мактабларда ҳар бир ўқувчи ҳеч бўлмаганда битта созни чала олиши керак деган



ташаббус илгари сурилди. Бунинг амалий натижаси ўлароқ мусиқа таълим масканлари мусиқа асбоблари билан таъминлана бошлади. Мақсад эса мусиқа орқали инсон интеллектини юксалтириш, тафаккур

“  
Санъат катта кучга эга. У халқларни, маданиятларни бир жойга жамлайди. Санъаткор ва ижодкорларни бирлаштиради. Анъанавий тус олган Халқро мақом санъати анжумани бунинг яққол исботидир.

оламини бойитишдир. Зеро, юқорида қайд этилганидек, қомусий олимларимиз мусиқани чуқур илмий жиҳатдан ўрганган, билган. Мумтоз бадийи асарлар асрлар мобайнида авлодлар ўртасида руҳий узвийликни сақлаб, инсон маънавий оламини бойитиб, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашдек улуг мақсадларга хизмат қилган. Шу маънода, ушбу анжуман мақсади шунчаки санъатни сақлаб қолиш, уни улуглашданига иборат эмас, балки халқимизнинг теран илдизларидан

қувват олиб, кўзланган баланд марраларни забт этиш йўли — ўзликка қайтишдир!  
Айни сабаб туфайли бугун мамлакатимизда илм-фан ривожига, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бир пайтда халқнинг теран руҳияти, эзгу ниятларининг ифодаси бўлган мақом санъати-га ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Нутқда қайд этилганидек, бугун нафақат мақом ижрочилиги, балки унинг назарий асослари ҳам чуқур ўрганилмоқда. Мақом санъатининг назарий,

тарихий ва фалсафий масалаларини ўрганадиган махсус илмий кенгашлар фаолияти янги босқичга олиб чиқилмоқда. Соҳада юксак билим ва малакага эга кадрларни тарбиялаш вазифасига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада “мусиқа мактаби — ихтисослашган мактаб — олийгоҳ” тизими йўлга қўйилгани ёшларимизнинг аниқ дастурлар асосида узлуксиз таълим олишига мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда маданият ва санъатнинг 21 та йўналишида, хусусан, мақом бўйича ҳам ижодий бирлашма ташкил қилинган, ушбу бирлашмалар жамиятнинг энг қуйи бўғини бўлган маҳалладан бошлаб ижодкор ёшларни топиш, уларни қўллаб-



қувватлаш ва истеъдодини юзага чиқаришга кўмак бериши белгилангани янада эътиборга молик.

Ҳозир “Шашмақом” дурдоналари, Фарғона — Тошкент ва Хоразм мақомларининг ўрганилмаган матнлари ҳамда ноёб ижро услублари қайта тикланмоқда. Айни йўналишда йирик илмий ва академик наشرлар, овозли архивлар тайёрланмоқда.

Президентимиз шу каби ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Янги Тошкентда мухташам Мақом марказини барпо этишга киришилгани ва ушбу

Санъаткор ва ижодкорларни бирлаштиради. Анъанавий тус олган Халқро мақом санъати анжумани бунинг яққол исботидир.

Жорий йил 26 июнгача давом этадиган анжуманда “Шарқ мақомотининг янги тенденциялари: анъана ва инновациялар уйғунлиги” мавзусида халқро илмий-амалий конференция ҳам ташкил этилади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,  
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари



Бошланиши 1-бетда

Бугун Наманганнинг тараққиётга юз тут-ган қиёфасида ана шу омиллар мужассам, десак асло муболага эмас. Кейинги йилларда янги Ўзбекистондаги ислохотлар, инсон қа-дри ва манфаати йўлидаги саъй-ҳаракатлар туфайли Наманган вилояти улкан бунёдкор-лик, ободлик, фаровонлик ҳудудига айлан-моқда. Муҳими, бу жараён изчиллик касб этмоқда. Бу жиҳатлар Президентимизнинг ушбу вилоятга навбатдаги ташрифи асноси-да яна бир карра намоён бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи На-манган халқаро аэропортида барпо этила-ётган янги йўловчи терминали курилишини кўздан кечиришдан бошланди.

Айни пайтда аэропортнинг йўловчи тер-миналини қуриш ишлари жадал кетмоқда. Янги терминал соатига 1200 йўловчини қа-бул қилиш имкониятига эга. У жорий йил охирига қадар қуриб битказилади. Лойиҳа-га 175 миллион доллар инвестиция жалб қилинган. Майдони 22,6 минг квадрат метр бўлган уч қаватли терминал йилгига 3 ми-лиондан зиёд йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Бу эса аэропортнинг ҳозирги қувватини бир неча баробар ошира-ди, 550 кишининг бандлиги таъминланади.

Янги терминалда чегара ва божхона назо-рати пунктлари, виза хизматлари, бизнес зал, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, тиббиёт пункти ҳамда Duty Free ҳудуди таш-кил этилади.

Шунингдек, аэропорт ҳудудида кунлик қуввати 50 тонналик карго терминали ҳам барпо этилмоқда. Мазкур терминал эса кел-гуси йил охирида ишга туширилади. Нати-жада воқидда ягона карго тизими яратилиб, бу ердан юкларни 90 мамлакатга экспорт қи-лиш имконияти вужудга келади.

Наманган аэропортига 2013 йилда хал-қаро мақом берилган. Айни пайтда мазкур аэропортдан 9 авиакомпания мунтазам қат-новларни йўлга қўйган.

Бу ерда амалга оширилаётган ушбу лойи-ҳа вилоятнинг сайёҳлик борасидаги имкони-ятларини янада оширади. Чунки аэропорт мамлакат дарвозаси ва ушбу замин ҳақи-да дастлабки тасаввурни шакллантирувчи муҳим манзилдир.

Мамлакатимиз етакчиси қурилиш жара-ёни билан яқиндан танишиб, аэропорт ин-фратузилмасини янада такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг Президентимиз Тўрақўрғон туманидаги Наманган қўйчилик кластери фаолияти билан танишди.

Бугун Наманганда кичик бизнес ва тад-биркорлик қаторида йирик лойиҳалар ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу эса ҳудуд аҳолисини ишли қилиш баробарида, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқла-ри раванқ топишига мустаҳкам пойдевор яратяпти. Бозорларимиз янги маҳсулотлар билан бойияпти. Жумладан, мазкур клас-тер туфайли 280 та янги иш ўрни очилди, шунингдек, 95 та камбағал оила бандлиги таъминланади, аҳоли даромади оширилиб, бозорга сифатли гўшт маҳсулотлари етказиб берилди.

**Қиймати 35 миллион долларлик ушбу лойиҳа уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда хориждан 15 минг, иккинчи босқичда 35 минг бош зотдор қўй келтирилади. Бу орқали юқори махсулдорликка эга “Арашан”, “Хисор” ва “Адельбай” зотлари маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилади.**

Илғор парваришлаш технологиялари ёрдамида 40-50 килограмм тош босадиган ушбу қўйлар вазни 3 ойда 100 килограммга етказилади. Натижада ҳар бир қўйдан 60-70 килограммгача сифатли гўшт олинади. Анъ-анавий чорвачиликка нисбатан махсулдор-лик 45-50 фоиз ошади ва лойиҳа тўлиқ қув-ват билан ишга тушгандан сўнг вилоятда йилгига 35-40 минг тонна сифатли гўшт ма-ҳсулотлари етштирилиши таъминланади.

Замонавий мажмуадан логистика хизмат-лари, ветеринария ва сервис шохобчалари ҳамда маҳсулотларни тўғридан тўғри сотиш-га мўлжалланган савдо нуқталари ҳам жой олади. Бу — лойиҳанинг учинчи босқичи. Пировадидга яхлит ва узлуксиз кластер зан-жири яратилади.

Президентимиз ушбу корхона тажриба-си чорвачилик тармоғини ривожлантириш, ички бозорни сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ва аҳоли бандлигини оши-ришда фойдали эканини қайд этиб, уни ом-малаштиришга топшириқ берди.

Мамлакатимиз етакчиси ушбу туман-даги “Уйчи парранда” корхонасининг ту-хум етиштириш, инкубация қилиш ва гўшт ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестиция лойиҳаси билан ҳам танишди.

Айни пайтда корхонанинг 121 гектар ери-да Венгриянинг “Авиаген” компаниясидан келтирилган 60 минг бош насли товуқ пар-варишланмоқда. Бунда тижорат банки томо-нидан йўналтирилган 50 миллион долларлик маблағ қўл келди.

Корхонада инкубаторда ўжга очиришдан тортиб, тайёр гўшт маҳсулотлари етишти-



ришгача бўлган барча жараён тўлиқ циклга олинган. Наслчилик йўналишида кунига 60 мингта тухум олиниб, инкубатор орқали 50 минг бош жўжа чиқариш имконияти бор. Бир комплексда 100 минг бош парранда 45-50 кун парваришланиб, 120 тонна гўшт етиштирилади.

Ушбу муваффақиятли тажриба асосида келгусида вилоятнинг Мингбулоқ, Наман-ган, Норин, Поп, Уйчи, Чуст ва Чортоқ ту-манларида янги паррандачилик комплексл-ри барпо этилади. Натижада вилоятдаги паррандалар сони 12 миллионга етиб, ло-йиҳа доирасида қўшимча 500, кенгайтирил-ган кооперация тизими орқали эса мингта янги иш ўрни очилади.

Давлатимиз раҳбари шу ернинг ўзида ҳу-дуднинг уста деҳқонлари, фермер ва тадбир-корлари билан мулоқот қилди.

Президентимиз, шунингдек, вилоятда бўш турган ерлардан унумли фойдаланиш ва Поп туманида ташкил этилган 100 гектарли супер интенсив бог лойиҳасининг тақдимо-ти билан ҳам танишди.

Бог лойиҳасининг қиймати — 20,7 ми-лиард сўм. У бугуннинг талаби асосида — илмга таянилган ҳолда барпо этилган. Яъни лойиҳани амалга қўлашдан олдин туман-нинг табиий ва тупроқ шароитига катта эътибор қаратилган. Яна бир диққатга сазо-вор жиҳати, битта ташаббус туфайли илм ва ишлаб чиқариш уйғунлашди, кеча каровсиз бўлган ер энди катта боққа, даромад манба-сига айланди. Бу инсоннинг қўлингил, деган тушунча нақадар тўғри эканига яна бир да-лил. Хоҳиш-истак, қўллаб-қувватлов бўлса, шароит яратилса, инсон катта ишларга қўл уради. Яхши натижаларга эришади. Наман-ганда бугун ана шу имкониятдан фойдала-ниш борасида ўзига хос тажриба тўпланган.

Бу ерга 66,6 минг туп мевали кўчат экил-ган. Жумладан, 60 гектарга 40 минг туп ўрик, 25 гектарга 16,6 минг туп шафтоли ҳамда 15 гектарга 10 минг туп гилос кўчати қадалган. Гектаридан ўртача 20 тонна ҳосил олиш им-конияти яратилаяпти.

Умуман, Наманган вилоятида 2019-2024 йилларда 38 минг 900 гектар ер қайта фой-даланишга қиритилган бўлса, 2025 йилда 7028 гектар ер муомалага қайтарилди. Бу бо-радаги стратегик ташаббус доирасида 2028 йилгача 18 минг гектар шундай ер майдони ўзлаштирилади. Бу ҳам қўшимча даромад ва янги иш ўринлари демакдир.

Президентимиз Давлатобод туманидаги Янги Наманган шаҳарчаси ҳудудида АТ парк қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари барча ҳудудда рақамлаштириш ва сунъий интеллект техно-логияларини жадал ривожлантириш, юқори даромадли иш ўринлари ва замонавий қув-ватларни кўпайтириш янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишлар жадал ривожланмоқда. Қабул қи-линган алоҳида дастур ва қарорлар, қару маблағлар ва масъуллар аниқ белгилангани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Биргина Наманган вилоятидаги ишлар бунинг яққол тасдиқдир. Яъни вилоятга йил бошидан буён 2 миллиард долларлик хорижий инве-стиция киритилди. хитойлик, туркиялик, ҳиндистонлик ва россиялик ҳамкорлар би-лан барпо этилган 1 миллиард 800 миллион долларлик 20 та янги қувват ишга туширили-ши ҳам шундай саъй-ҳаракатлар самараси. Ушбу лойиҳаларнинг аҳамияти нимада? Бу, аввало, 6500 кишининг бандлиги таъминла-нишида, бозорга 30 дан зиёд янги махсулот етказиб берилишида намоён бўлади. Қола-верса, ушбу лойиҳалар орқали вилоят иқти-содиётига 3 триллион 600 миллиард сўмлик айланма, 200 миллион долларлик экспорт ва бюджетга 400 миллиард сўмлик тушум қў-шилади.

Шу билан бирга, Наманганда саноат, ту-ризм, савдо комплекслари ва уй-жой қурили-шига катта туртки берадиган яна 4 миллиард долларлик 28 та лойиҳага старт берилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва бизнес инфратузилмасини яхшилаш учун жорий йилда Наманган вилоятига бюджетдан 4,5 триллион сўм ажратилган. Кичик ва ўрта бизнес учун 6,5 триллион сўм ресурс йўналтирилмоқда.

# ТАДБИРКОРЛИКДА ИЛҒОР ТАЖРИБА ЯРАТАЁТГАН, ЗАМОНАВИЙЛИК АСОСИДА ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ TUTAЁТГАН НАМАНГАН



интеллектуал иқтисодиётга ўтиш жараёни изчил бошланганидан дарак.

Наманган давлат техника университети-да ишга туширилган сунъий интеллект ил-мий лабораторияси ҳам айни йўналишдаги ишлар самарасига ёрқин мисол. Илмий лабораторияда таҳлил, робототехника ва бионика марказлари, стартап акселератор, 9 та “ақлли” хона, 2 та AI тайёргарлик хо-наси мавжуд. Лаборатория сунъий интел-лект, робототехника, ақли транспорт, эко-логия ва агротехнологиялар йўналишида республикадаги ягона инновацион илмий марказдир.

Мазкур марказ сунъий интеллект, робо-тотехника, “ақлли” транспорт, экология ва агротехнологиялар йўналишларида инно-вацион илмий-амалий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан шугулланади.

Мамлакатимиз етакчиси ушбу тажриба-ни кенгайтириш, муҳим соҳалар ривожига ёшларнинг интеллектуал ва илмий салоҳи-ятини янада кенг жалб этиш заруригини таъкидлади.

Президентимизга вилоят, шаҳар ва ту-ман ҳокимликларида фаолият юритаётган сунъий интеллект бўйича маслаҳатчилар томонидан тайёрланган стартап лойиҳалар ҳам тақдимот қилинди. Давлатимиз раҳбари ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг го-я ва тақлифларини тинглади.

Шундан сўнг Наманган вилояти вазият-лар марказида мутасаддилар Президенти-мизга ҳудудни ривожлантириш юзасидан ахборот берди. Хусусан, Норин туманидаги Янги Наманган маҳалласида ташкил этила-ётган “Маҳалла ахборот ва хизмат маркази” лойиҳаси ҳамда профилактика инспекторла-рининг фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан тақдимот ўтказилди.

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни бар-по этиш, Уччинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги барча ислохотлар замирида инсон кадрини улуглашдек эзгу го-я мужас-сам. Жумладан, эркин фуқаролик жамияти-ни барпо этишга қаратилган янгиланишлар жараёнида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қара-тилмоқда.

Марказда 8 маҳаллада истиқомат қилув-чи 27 мингдан ортиқ кишига 980 турдаги хизматлар маҳалланинг ўзида ягона хизмат кўрсатиш нуқтаси тамойили асосида тақдим этилади. Бунда ижтимоий ҳимоя, бандлик, профилактика, солиқ, жиноятчилик, таълим ва ҳудуднинг бошқа кўрсаткичларига оид маълумотлар ягона тизимга уланади.

Профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қара-тилган тақдимотда эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид 18 турдаги жараён рақамлаштирилиб, ҳодимларнинг планшети-га интеграциялангани маълум қилинди. Шу-нингдек, инспекторлар замонавий ёнқамерал-рлар билан таъминланиб, уларнинг фаолияти вазиятлар маркази билан узвирй боғланган.

Шу ерда Президентимизга вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг янги устувор йўналишлари юзасидан ахбо-рот берилди.

Сўнгги йилларда Наманганда саноат ҳажми 4,6 триллион сўмдан 40 триллион сўмга етгани қайд этилди. Жорий йилда ви-лоятда яппи ҳудудий маҳсулотни 9,2 фоиз, саноатни 9 фоиз, хизматларни 17 фоиз, қишлоқ ҳўжалигини 6,8 фоизга ошириш вазифаси белгиланган. Энди машинасоз-лик, металлургия, енгил саноат, хизматлар ва янги иқтисодиёт йўналишларини вило-ятнинг асосий драйверларига айлантириш зарурилиги кўрсатиб ўтилди. Ҳудудларни ривожлантиришда илмий ёндашувни ку-चाйтириш мақсадида 14 та “ақл маркази” Наманган мисолида янги иш услубига ўта-ди. Улар туман ва шаҳарларда иқтисодий диагностика ўтказиб, меҳнат унумдорлиги, инвестиция сифати, кооперация, бизнес фаоллик ва қўшимча қиймат занжирлари бўйича янги резервларни аниқлайди.

Мутасаддиларга 1 сентябргача ҳар бир туманинг саноат салоҳиятини тўлиқ ўрга-ниб, натижаси бўйича янги дастур ишлаб чиқиш топширилди. “Ақл марказлари” тай-ёрлаган ҳар бир илмий иш амалиётга жорий қилиниши, ҳудуд ёки тармоқ ривожига хиз-мат қилиши шартлиги таъкидланди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва биз-нес инфратузилмасини яхшилаш учун жо-рий йилда Наманган вилоятига бюджетдан 4,5 триллион сўм ажратилган. Кичик ва ўрта бизнес учун 6,5 триллион сўм ресурс йўнал-тирилмоқда.

Вилоятда йил якунига қадар 80 минг ки-шини доимий ишга жойлаштириш, 314 минг фуқаронинг даромадини ошириш, 21 минг оилани камбағалликдан чиқариш вазифаси қўйилган. Беш ойда 23,5 минг киши доимий ишли бўлди, 8000 дан зиёд оила камбағал-ликдан чиқарилди. Шу билан бирга, айрим туманларда ишсизлик ва камбағаллик кўрс-аткичлари юқорилигича қолётгани танқид қилинди. Мутасаддиларга бандлик, тад-биркорлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича ишлар натижадорлигини ошириш топширилди.

Қишлоқ ҳўжалигида ҳам янги имкони-ятлар кўрсатиб ўтилди. Косонсой туманида чорвачиликни ривожлантириш, йил якуни-гача 4700 гектар майдонда озқабоб экинлар етиштириш, қорамол ва қўй-эчки сонини икки карра кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Поп туманида адир ерлардан самарали фойдаланиб, саноатлашган органик боғлар ташкил этиш тажрибасини кенгайтириш топширилди. Йил якунигача яна 400 гектар адирда саноатлашган бог барпо этилади. Бир ой мuddатда эса қўшимча 2800 гектар май-донда амалий ишлар бошланади.

Ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. На-манганда халқаро стандартларга мос камида 5 та хусусий ўқув-баҳолаш марказини таш-кил этиб, шу йилнинг ўзида 20 минг ёшни ўқитишни бошлаш вазифаси белгиланиди. Мутасаддиларга меҳнат бозоридagi янги та-лаблардан келиб чиқиб, замонавий касблар-га эҳтиёжни шакллантириш, ўқув-баҳолаш марказлари учун техникумлар биналаридан жой ажратиш, мавжуд техникумларда таъ-минлаш ва ободонлаштириш ишларини янги ўқув йилигача якунлаш топширилди.

Инвестиция ва экспорт масалалари ҳам муҳокама қилинди. Жорий йилда Наманган-га 5 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш, экспортни 1,2 миллиард дол-ларга етказиш мақсад қилинган. Бешиччи Тошкент халқаро инвестиция форуми дои-расида вилоят бўйича 3 миллиард долларлик 43 та келишувга эришилган.

Экспорт салоҳиятини ошириш учун ҳар бир туман ва шаҳар кесимида ишлаш, махсу-лотни ишлаб чиқаришдан тортиб, стандарт, сертификатлаш, қадоқлаш, логистика ва божхона расмийлаштирувигача бўлган жа-раёни қамраб оладиган ягона экспорт эки-тизмини Наманган мисолида йўлга қўйиш топширилди.

Жорий йил вилоятда 130 километр ичим-лик сув ва 2,5 километр канализация тар-моғи тортиш, 9 та янги сув иншоотини қу-риш учун 703 миллиард сўм ажратилган. Бу орқали 34 минг киши илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланади, 25 минг одамнинг хонадони канализация тармоғига уланади.

“Пунган — Наманган” автомобиль йўли-нинг 75 километрини реконструкция қилиш, уни 4 тасмалли бетон қопламали йўлга айланти-риш, 21 та кўприк барпо этиш ва 22 та пийда-лар ўтish жойини ётқизиш режалаштирилган.

Жамоат транспортни ривожлантириш мақсадида 1 сентябргача 90 та автобус, 50 та электробус ва 30 та микроавтобус, келгуси йил 1 июлгача яна 105 та электробус олиб ке-лиш топширилди. Шу йилнинг ўзида Наман-ган шаҳрида канализация тизимини хусусий шериклик асосида реконструкция қилиш бўйича амалий ишлар бошланади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида бирламчи тиб-бий-санитария ёрдамининг янги моделини

Косонсой ва Уйчи туманларида ҳам жорий этиш белгиланди. Шунингдек, инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури октябрдан Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида йўлга қўйилади.

Йнгилишда яширин иқтисодиётни қисқартириш, жиноятчилик профилакти-каси ва ёшлар билан манзилли ишлаш ма-салалари ҳам кўриб чиқилди. Бош вазир ўринбосарлари, ҳудудлар раҳбарлари ва бошқа мутасаддиларнинг ҳисоботи тинг-ланди.

Президентимиз ташриф давомида “Нав-бахор” футбол академиясида ҳам бўлиб, бу ерда ёш футболчилар учун яратилган шарт-шароитлар ва ўқув-машгулот жараёни билан танишди.

Футбол миллионлар ўйини, оммавийлиги туфайли миллионлаб одамларни ўзига жалб этади. Бунга айни кунларда кечаятган фут-бол бўйича жаҳон чемпионати яққол мисол. Ушбу мундиалда Ўзбекистон миллий тер-ма жамоаси ҳам илк бор иштирок этмоқда. Бу ҳам мамлакатимизда спортга, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасидир. Иқтидорларни юзага чиқаришда эса футбол академияларининг алоҳида ўрни бор.

Наманган вилояти ўзининг бой футбол анъаналари ва иқтидорли футболчилари би-лан мамлакатимизда алоҳида ўрин тутadi. Ёш авлодни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш мақсадида “Навбахор” академия-си уч йил мuddатга дунёнинг етакчи футбол мактабларидан бири саналган Нидерландия-нинг “Аякс” футбол академияси бошқаруви-га берилди.

“Аякс” энг машҳур академия ҳисобла-нади ва тарбияланувчиларини Европанинг машҳур клубларига ўтказиш орқали ҳар йили ўртача 50-70 миллион евро даромад олади.

Келишувга асосан, клублар ўртасида қўшма ўсимирлар футбол академияси ташкил этилиб, ўзбекистонлик ёш футболчилар ва мураббийларни тайёрлаш бўйича “Аякс”-нинг бошқарув модели жорий этилади.

Ҳозир академияда хорижий мутахассис-лар, жумладан, мураббий ва скаутлар фаоли-ят юритиб, маҳаллий ёшларни Европа фут-бол стандартлари асосида тайёрлайпти.

Президентимиз академия инфратузил-маси, машгулот майдонлари ҳамда тарбия-ланувчилар учун яратилган имкониятларини кўздан кечириди. Шунингдек, ёш футболчи-лар ва хорижий мутахассислар билан суҳ-батлашиб, уларнинг оруз-интилишлари ва келгуси режалари билан қизичди.

Учрашув давомида мамлакатимизда фут-болни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистон миллий терма жамоасининг халқаро май-донлардаги иштирокини кенгайтириш маса-лалари муҳокама қилинди.

**Наманганни гуллар шаҳри сифатида дунёга танитаётган тадбирлардан бири, шубҳасиз, Халқаро гуллар фестивалидир. Жорий йилда у олтимши бешинчи марта ташкил этилди. Шу боис, ҳозир Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи фестивалга келувчилар билан гавжум. Бу ер нафақат маҳаллий, балки хорижий меҳмонларнинг ҳам сеvimли масканига айланган.**

Мамлакатимиз етакчиси мазкур фести-валга ҳам ташриф буюрди.

Халқаро фестиваль орқали 50 дан ортиқ давлатдан 1 миллион хорижий ва 7 милли-он маҳаллий туристни жалб этиш қўзланган. Шунингдек, фестиваль доирасида 150 дан зиёд тадбир ўтказилиб, хизматлар ҳажми 8 триллион сўмга етказилди.

24 майда бошланган 65-халқаро гуллар фестивали 12 июлга қадар давом этади. Му-ддат узайиб, келувчилар сафи тобора кенга-ийиб бораётгани унга қизиқиш юқорилигини аңглатади.

Фестиваль “Тиннесснинг рекордлар ки-тоби”га ҳасил қиритилди. Янги Наманган шаҳри асосини қилиб 29,5 миллион туп гул кўчатини қўлда экиб, жаҳон рекордини қайд этди.

Наманганни бежиз гуллар шаҳри, де-йишмайди. Шаҳарнинг 45 маҳалласи гулчи-ликка ихтисослаштирилган, ҳозир бу юмуш 16 минг хонадонни қамраб олган, яъни 21 минг киши гулчилик билан банд. Ушбу хо-надонлар томорқасида март-апрель ойларида 4683 та иссиқхона ташкил этилиб, 120 ми-ллион туп гул кўчати етиштирилди. Натижада аҳоли бйригина гулчилик ортидан қўшимча 300 миллиард сўм даромад кўрди.

Давлатимиз раҳбари ташриф давоми-да, шунингдек, Давлатобод туманидаги Янги Ўзбекистон боғида III Халқаро мақом санъати анжуманининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Шу билан Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи якунланди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,  
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**



## Муносабат

# ИНВЕСТИЦИЯ — ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбекистон иқтисодиёти трансформациялашувининг фаоллашуви, бизнес учун кенг имкониятлар яратилаётгани миллий иқтисодиётимизга дунёдаги йирик инвесторларнинг қизиқишини янада оширмоқда.



**Рустам ҲАСАНОВ,**  
**Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми нафақат иштирокчилар сонини, балки қарорлар қўлими ва келажак лойиҳаларининг миқёси билан ҳам тарихга кирди. Форумда 100 дан ортиқ мамлакатдан 4000 дан зиёд иштирокчи қатнашди. Бу кўрсаткич тадбирнинг Марказий Осиёдаги энг йирик инвестиция платформасига айланганини кўрсатади.

Энг асосий иштирокчиларнинг умумий иқтисодий салохиятидир. Форумда иштирок этган компаниялар ва инвестиция фондлари 42 миллиард долларга яқин молиявий ва бошқа активларини жалб қилишга келишди. Бу Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 38 фоизига тенг. Табиийки, катта сармоя иқтисодий ўсиш суръатини кескин ошириш имкониятини беради. Натижада мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тизими барқарор ривожланади, экспорт салоҳияти ортади.

Форум нафақат иқтисодий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Тадбирнинг очилиш маросимида 62 та халқаро делегация вакиллари иштирок этгани, 8 та давлатнинг ҳукумат раҳбарлари нутқ сўзлагани издиҳомнинг



нуфузини кўрсатди. Форумда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, ЕБРД, БРИКС, Янги тараққиёт банки каби нуфузли молия институтлари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Дунё инвесторларининг Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқиши бежиз эмас. Бунинг замирида мамлакатимиз иқтисодиётида жадид ривожланаётгани, жалб қилинган сармоя самара бераётгани турибди. Бинобарин, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотини ўтган йили 7,7 фоиз ўсди ва 147 миллиард доллардан ошди. Бу кўрсаткич Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги энг юқори ўсиш суръатларидан.

Айни пайтда форум кун тартибидида қўриб чиқилган устувор йўналишлар бутун Марказий Осиё мамлакатлари манфаатларига мос тушишини алоҳида қайд этиш лозим.

Форумда Президентимиз мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг олтинга стратегик устувор йўналишини белгилаб берди. Ҳамкорликда капитал бозорини ривожлантириш,

таъиядан ўтди. Бу кўрсаткич ўтган йилдаги нисбатан икки баравар кўп.

Анжуман натижалари Ўзбекистон иқтисодиётидаги қатор сифат ўзгаришларини амалга оширишга хизмат қилади. Биринчидан, Тошкент халқаро молия маркази ташкил этилади. 2076 йилгача солиқ имтиёзлари ва Common Law асосидаги махсус ҳуқуқий режим жорий этилади.

Иккинчидан, муқобил инвестиция фондлари тўғрисидаги қонун қабул қилинмоқда. Бу хусусий сармоя ва венчур капитал учун ҳуқуқий асос яратиб, хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар беради.

Умуман, форум якуни бўйича ўн миллиард долларлик инвестиция келишувларига эришилди. Бу янгидан янги ишлаб чиқариш қувватлари, бир неча ўн минглаб янги иш ўринлари, юқори экспорт салоҳияти, пировардда, аҳоли фаровонлиги ошиши, бюджетимизга барқарор солиқ тушумлари демакдир.

Бугунги кунда эришилган натижалар, жумладан, 180 миллиард долларлик иқтисодий ҳажмга етиб бориш кутилмаси ишонч архитектурасининг амалий натижасидир. Бу рақам бир даврнинг якуни эмас, янги босқичнинг бошланиши сифатида талқин этилади.



“Замонавий тараққиёт модели экологик барқарорликсиз узоқ муддатли истиқболга эга бўла олмайди. Шу нуқтаи назардан, 2023-2026 йилларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири бўлди.



# 180 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ЮКСАК МАРРА: ОЧИҚЛИКДАН СТРАТЕГИК БАРҚАРОРЛИК САРИ

## Бошланиши 1-бетда

Бу оддий иқтисодий кўрсаткич эмас. У сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар, иқтисодий либераллашув, инвестиция муҳитини яхшилаш ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш борасидаги изчил сиёсатнинг амалий натижасидир. Зеро, қисқа тарихий давр ичида иқтисодиёт ҳажмини қарийб икки баравар оширишга эришилш ҳар қандай давлат учун стратегик аҳамиятга эга воқеалиқ саналади.

Сўнгги йилларда юртимизга 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилинган, шундан 123 миллиард доллари айнан кейинги беш йил ҳиссасига тўғри келаятгани Ўзбекистонга ишонч мустаҳкаманиб бораётганини аниқлатади. Чунки инвестиция қарорлари кўп ҳолларда ишонч муҳити ва сиёсий барқарорликка таянади. Давлат томонидан яратилган очиқ ва тахмин қилиниши мумкин бўлган иқтисодий макон ташқи ҳамкорлар учун муҳим сигнал вазиёсини бажара бошлади.

Дарҳақиқат, муайян даврга келиб миллий иқтисодиёт олдига янги вазифалар ва янги чақириқлар пайдо бўлган. Валюта конвертациясидаги чекловлар, ташқи савдодаги маъмурий тўсиқлар ҳамда инвестиция муҳитидаги ноаниқликлар мамлакатнинг халқаро иқтисодий жараёнларга тўлиқ интеграциялашувини чеклаб турган омиллардан бири эди. Ҳўбуки, капитал табиятан эркинликка интилган. У шаффоф қоидалар, очиқ бозор ва узоқ муддатли барқарорлик ҳўкм сўраганидан маконини танлайди. Агар иқтисодий муҳит етарлича очиқ бўлмаса, инвестиция ўз келажagini бошқа манзиллар билан боғлайди.

Шу босис, иқтисодиётни либераллаштириш ва очиқ бозор тамойилларини қарор топтиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар бошлаб берилди. Валюта бозори эркинлаштирилиши мазкур ўзгаришларнинг энг муҳим ва тарихий босқичларидан бири бўлди. Бу орқали иқтисодиётни маъмурий бошқариш механизмида бозор муносабатлари асосида ривожлантиришга ўтиш учун мустаҳкам замин яратилди.

Мазкур қарорнинг аҳамиятини фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчаб бўлмайди. У, аввало, ишончга таянган сиёсий ва иқтисодий танлов эди. Давлат ўз иқтисодиётининг рақобатбардорлигига ишонч билдирди, халқаро ҳамжамиятга эса очиқ ва тенг ҳўқуқли ҳамкорликка тайёр эканлини намоён қилди. Айнан шу ёндашув кейинги йилларда инвестиция сиёсатида янги даврни бошлаб бериб, Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги ўрни ва нуфузини сезиларли даражада мустаҳкамлади.

2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташриф амалга оширилиб, натижада 52 миллиард долларлик 1080 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Бу кўрсаткичлар дипломатик фаолликнинг бевосита иқтисодий натижага айланганини кўрсатади. Агар 52 миллиард долларлик келишувларини мамлакат ялпи ички маҳсулотини билан солиштирсак, бу ҳажм миллий иқтисодиёт қўлимига нисбатан жуда катта стратегик ресурс эканлини аниқлаш мумкин. Демак, ташқи сиёсат ва инвестиция сиёсати ўзаро уйғунлашиб, иқтисодий ўсишнинг муҳим дўрайверига айланди.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик ҳам ана шу ишонч муҳитнинг мантйқий давоми бўлди. Жумладан, World Bank, European Bank for Reconstruction and Development, Asian Development Bank ва Islamic Development Bank иштирокида 8,5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Бу нафақат инфратузилмани модернизациялаш, балки иқтисодий бошқарув маданиятини янгилаш ва институционал салоҳиятини оширишга хизмат қилди.

Натижада мамлакатга йўналтирилаётган тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳажми сезиларли даражада ўсди. 2019 йилда хорижий инвестиция 4,2 миллиард доллари ташкил этиб, 2018 йилдагига нисбатан 3,7 баробар ўсди. Бу ўсиш иқтисодиётдаги сифат ўзгаришларнинг аниқ ифодаси эди. Шунингдек, инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етгани мамлакат иқтисодиётининг инвестицияга таянган ўсиш моделига ўтаётганини кўрсатди. Бу келгусида ишлаб чиқариш қувватлари кенгайиши ва бандлик ўсиши учун мустаҳкам замин яратди.

Айни пайтда мамлакатнинг илк бор халқаро кредит рейтингларига эга бўлиши ва жаҳон



молия бозориди 1 миллиард долларлик евро-облигацияларни муваффақиятли жойлаштириш глобал молиявий тизимга интеграциянинг амалий ифодаси бўлди. Бу Ўзбекистоннинг фақат инвестиция қабул қилувчи эмас, балки халқаро молиявий муносабатларда мустақил ва ишончли иштирокчи сифатида шаклланаётганини кўрсатди.

Шу тариқа мазкур даврдаги ислохотлар иқтисодий тараққиётда янги сифат ўзгаришларини юзасига келтирди. Агар дастлабки мақсад иқтисодиётни очиш бўлган бўлса, кейинги босқичда ушбу очиқликни барқарор инвестиция оқимида, инвестицияни эса узоқ муддатли иқтисодий ўсишга айлантиришга эришилди. Бундай жараён Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги мавқеини тубдан ўзгартириб, уни ишончли ва истиқболли ҳамкор сифатида намоён қилди.



## Қайта баҳолаш имконияти

2020 йил инсоният тарихида глобал иқтисодий тизимни кескин ўзгартириб юборган бурилиш нуқтаси бўлди. COVID-19 пандемияси натижасида ишлаб чиқариш занжирлари узилди, капитал ҳаракати секинлашди, халқаро савдо ҳажми кескин қисқарди. Узоқ йиллар давомида чексиз имкониятлар макон сифатида қаралган глобаллашув ўзининг ўзаро боғлиқликка асосланган заиф жиҳатларини ҳам намоён қилди. Шу шароитда қўллаб қувватлар иқтисодий барқарорлик ва инвестиция сиёсатини тубдан қайта қўриб чиқишга мажбур бўлди.

Ўзбекистон учун 2020-2022 йиллар даври нафақат иқтисодий синов, балки институционал етуқлик имтиҳони ҳам бўлди. Олдинги йилларда шаклланган очиқлик ва либераллашув сиёсати айнан глобал инқироз шароитида реал синовдан ўтди. Инвестиция оқимлари қисқариши, ташқи талаб пасайиши ва логистикадаги узиллишлар миллий иқтисодиёт учун жиддий босим яратди. Аммо шу шароитда давлатнинг мослашувчанлиги ва тизимли барқарорликни сақлаб қолиш салоҳияти ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Инқироз муҳояттан таназзулдан кўра қайта баҳолаш имконияти эканлини амалиёт яна бир бор исботлади. Пандемия шароитида давлат иқтисодий сиёсат марказига инсон омиллини қўйиш заруратини аниқлади. Соғлиқни сақлаш

тизими, ижтимоий ҳўмо ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари устувор йўналишга айланди. Бу инвестиция тушунчасини кенгайтириб, уни инфратузилма ёки саноат лойиҳалари билан бирга инсон капиталига йўналтирилган стратегик сармоя сифатида талқин қилишга олиб келди.

2020 йилда жаҳон миқёсида тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳажми кескин камайган бир шароитда қўллаб қувватлар ички ресурслар ҳўсбидан иқтисодий фаолликни сақлаб қолишга уринди. Ўзбекистон ҳам бу даврда давлат инвестицияларини кенгайтириш, инфратузилма ва саноат лойиҳаларини изчил давом эттириш орқали иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлади.

2021-2022 йилларда иқтисодий фаоллик босқичма-босқич тиклана бошлади. Инвестиция сиёсатида диверсификация жараёни кучайди. Энергетика, рақамли иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги ва логистика соҳалари йўналтирилган лойиҳалар иқтисодиётнинг янги ўсиш нуқталарини шакллантирди. Айниқса, давлат-хўсусий шериклик механизмлари кенгайиши инвестиция жараёнларининг институционал барқарорлигини янада мустаҳкамлади.

Пандемия рақамли трансформация жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди. Электрон давлат хизматлари, онлайн тендер платформалари ва масофавий бошқарув тизимлари инвестиция муҳитини янада шаффоф ва самарали қилди. Бу жараён иқтисодий тизимнинг мослашувчанлигини оширди. Инвестиция муҳити қанчалик рақамлашган бўлса, шаффофлик ва ишонч даражаси шунчалик ортади.

Инқироз даврида барқарорлик тушунчаси ҳам янги мазмун касб этди. Илгари у ташқи таъсирлардан ҳўмолланиш сифатида талқин қилинган бўлса, эндиликда барқарорлик мослашувчанлик орқали ўлчана бошлади. Яъни барқарор иқтисодиёт ўзгаришларга тез ва самарали жавоб қайтара оладиган тизимдир. 2020-2022 йилларда Ўзбекистон инвестиция сиёсати айнан шу мослашувчанлик тамойилини намоён қилди.

Шу билан бирга, глобал геоиқтисодий вазият ҳам янада мураккаблашди. Транспорт йўлакларини ва савдо занжирларидаги узиллишлар янги логистика ёндашувларини талаб қилди. Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни кучайтириш, транзит салоҳиятини ошириш ва янги бозорлар қачини масалалари долзарб аҳамият касб этди. Бу инвестиция сиёсатининг минтақавий ўлчамини янада кенгайтирди.

Мазкур давр Ўзбекистон учун “очиқликдан барқарор очиқликка” ўтиш даври бўлди. Агар аввалги босқич интеграцияга кириш даври бўлган бўлса, пандемия шароитида уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш синовдан ўтди. Инвестиция сиёсатининг моҳияти эса айнан инқироз шароитида стратегик йўналишни йўқотмасликда намоён бўлди.

## Ишонч архитектурасининг амалий натижаси

2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон инвестиция сиёсати сифат жиҳатидан янги, анча мураккаб ва стратегик босқичга қадам қўйди. Агар аввалги даврлар очиқлик ва либерализация,

кейинги босқич эса глобал инқироз шароитида мослашув билан тавсифланган бўлса, бу давр стратегик барқарорлик ва чўқур институционаллашув босқичи сифатида намоён бўлмоқда. Бунда асосий масала инвестиция ҳажмини оширишдан кўра унинг сифатини, технологик мазмунини ва узоқ муддатли самардорлигини таъминлашга қаратилди.

Инвестиция устуворликлари ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Юқори қўшилган қийматли саноат, рақамли иқтисодиёт, АТ инфратузилма ва замонавий логистика марказлари асосий йўналишга айланди. Бу ўзгариш муҳияттан хошамёга таянган моделдан интеллектуал ва технологияга асосланган иқтисодиётга ўтишни аниқлатади.

Юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқариш меҳнат унвдорлигини ошириш ва ресурслардан оқилона фойдаланишнинг муҳим омил бўлди. Инвестиция инновацияни жорий этиш ва глобал қиймат занжирларига чўқур интеграция қилиш механизмига айланди. Шу сабабли инвестиция сиёсатининг самардорлиги яратилаётган технология экотизми билан ўлчана бошланди.

Замонавий тараққиёт модели экологик барқарорликсиз узоқ муддатли истиқболга эга бўла олмайди. Шу нуқтаи назардан, 2023-2026 йилларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири бўлди. Қўёш ва шўмол энергетикаси лойиҳаларида хорижий инвестиция жалб этилиши энергетика тизимини диверсификациялаш билан бирга экологик босимни камайитиришга хизмат қиломоқда.

“Яшил” энергетика лойиҳалари фақат энергия ишлаб чиқаришини аниқлаб қолмай, янги технологиялар трансфери, кадрлар салоҳиятини ошириш ва энергетик таъминотини мустаҳкамлашни ҳам назарда тутди. Бу жараён табиат ва иқтисодиёт ўртасидаги мувозанатни қайта тиклашга қаратилган. Агар индустриал давр табиатни ресурс сифатида кўрган бўлса, замонавий ёндашув уни иқтисодий тизимнинг тенг ҳўқуқли шериги сифатида қабул қилади.

2023-2026 йилларда Ўзбекистон ўзини Марказий Осиёда муҳим логистика ва транзит маркази сифатида шакллантириш йўлида ҳаракат қиломоқда. Географик жойлашув табиий устунлик бўлса-да, уни реал иқтисодий қийматга айлантириш учун инфратузилма ва институционал ислохотлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу босис, транспорт йўлакларини ривожлантириш, чегарабўйи савдонини кенгайтириш ва минтақавий интеграцияни чўқурлаштириш устувор йўналишлардан бирига айланди.

Минтақавий савдо ҳажми ошиши ва қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқалар фаоллашувини инвестиция муҳитини янада жозибador қиломоқда. Чунки инвесторлар учун бозор ҳажми, логистика имкониятлари ва минтақавий барқарорлик жуда муҳим.

Шу орқали инвестиция сиёсати миллий чегаралар доирасидан чиқиб, минтақавий ва глобал иқтисодий жараёнлар билан ҳамбарчас боғланиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистонни халқаро иқтисодий тизимнинг фаол ва интеграциялашган иштирокчиси сифатида намоён этмоқда.

Бугунги кунда эришилган натижалар, жумладан, 180 миллиард долларлик иқтисодий ҳажмга етиб бориш кутилмаси ишонч архитектурасининг амалий натижасидир. Бу рақам бир даврнинг якуни эмас, янги босқичнинг бошланиши сифатида талқин этилади.

Чунки замонавий глобал иқтисодиётда рақобат ресурслар ҳажмидан кўра тизимлар барқарорлиги, институтлар ишончилиги ва стратегик мослашув қобилияти билан белгиланмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон танлаган йўл иқтисодий ўсишдан кўра кенроқ маъно касб этадиган тараққиёт модели — ишончга таянган барқарор ривожланиш модели сифатида намоён бўлмоқда.

Очиқлик, мослашув ва чўқур ислохотлар асосида шаклланган бу тизим мазмунини ягона ҳўлоса ифода этади. Тараққиёт уз-луқиси ислохотлар жараёни бўлиб, доимий янгилашни ва босқичма-босқич тақомиллаш-иш орқали амалга ошади. Шу жараёнинг ҳаракатлантирувчи кучи инвестиция ҳисобланади. Инвестиция иқтисодиётга янги имкониятлар олиб қиради, ишлаб чиқаришни кенгайтиради, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этади ва барқарор ўсиш учун мустаҳкам асос яратди.

**Сардор ТОЛИБОВЕВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## ЭРТАНГИ КУН ЭГАЛАРИ УЧУН МАСЪУЛИЯТ ВА ИМКОНИАТ ФАСЛИ



Ғофур АБДИЛАКИМОВ, Ўзбекистон Миллий педагогика университети ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи, профессор

Кейинги йилларда бу борада салмоқли ишлар бажарилди. Мисол учун, таълим олиш имконияти кенгайгани, касб-хунар ўрганиш тизими ҳамда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилганини ёдга олиш kifoya. Турли лойиҳалар минглаб эмас, миллионлаб йигит-қизларнинг ҳаётига кириб борди. Уларнинг кўпи қобилиятини намойиш этиш, бизнес бошлаш, хорижий тилларни ўрганиш, замонавий касбларни эгаллаш учун янги имкониятларга эга бўлди. Шу билан бирга, ҳаётнинг ўзи янги саволларни ҳам кун тартибига олиб чиқмоқда. Меҳнат бозори тобора мураккаблашиб, касблар янгиланаётган ва технологиялар кескин суръатда ривожланаётган бир вақтда ёшларнинг эҳтиёжлари кечадиган фарқ қилади. Эртага эса бугунгидан ҳам ўзгариши тайин.

Бундай шароитда тарқоқ ташаббуслар билан узоққа бориш қийин. Энди таълим, бандлик, тадбиркорлик, ижтимоий фаоллик, соғлом турмуш тарзи ва халқро майдондаги имкониятларга ўзаро боғлиқ, яхлит тизим сифатида қаралиши айнаи замон талабидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегияси ана шу эҳтиёжнинг маъсули. Ушбу ҳужжат ёшлар сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган бўлиб, унда мақсадлар

аниқ мезонлар билан мустаҳкамланган, устувор йўналишлар ўртасидаги боғлиқлик белгиланган, амалга ошириш механизмлари эса батафсил кўрсатиб берилган.

Хусусан, таълим тизимидаги ислохотлар туфайли янги имкониятлар пайдо бўлди. Кўплаб ёшлар учун илгари тасаввур қилиш қийин бўлган имкониятлар очилди. Шунингдек, таълим муассасаларида шаклланаётган билим ва меҳнат бозорининг реал талаби ўртасида муайян тафовут сақланиб қолмоқда. Яна бир муҳим жиҳат — замонавий кўникмалар масаласи. Ҳозир чет тилини билиш кенг имкониятлар эшигини очувчи восита

мактаблари ва инновацион марказлари билан ҳамкорликда ўқитиш кўзда тутилган.

Ҳудудлар ўртасидаги тафовутларни қисқартириш масаласига ҳам эътибор қаратилиб, олис ва чекка ҳудудларда ўқув марказларини ташкил этиш учун 300 миллион сўмгача ссуда ажратилиши белгиланган. Бу марказлар учун ижтимоий солиқ ҳамда ўқитувчилар даромад солиғининг 1 фоиз этиб белгиланиши ҳудудларда малакали кадрлар тайёрлашни рағбатлантиради.

Шунингдек, инсон ҳаёти фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчанмаслигини унутмаслик лозим. Яъни оила қуриб, фарзанд



бўлиб қолди. Стратегияда 450 минг ёшни хорижий тилларни билиш бўйича В2 даражага олиб чиқиш вазифаси белгиланганининг ўзиёқ бу йўналишга нисбатан эътибор қўламини кўрсатиб турибди. Касбий сертификатлаш тизимини кенгайтириш, замонавий касблар бўйича тайёрлаш, халқро дастурлар орқали тажриба орттириш имкониятларини кўпайтириш ҳам айнаи эҳтиёж ҳосиласи.

Мамлакатимизда ҳар йили меҳнат бозорига минглаб янги кадрлар кириб келмоқда. Бу жараёни ортага суриб ҳам, эътибордан четда қолдириб ҳам бўлмайди. Шу сабаб стратегияда ҳар йили 600 минг ёшнинг бандлигини таъминлаш вазифаси қўйилган. Ёшларнинг ўзи ҳам бу йўналишда аниқ истакларга эга. 100 мингдан ортиқ йигит-қиз ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровномада респондентларнинг чорақ қисмидан кўпроги ўз бизнесини бошлаш ниятида эканини билдирган. Шу маънода, стратегияда тадбиркорликка доир механизмлар аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, “Янги алоқ тадбиркорлари” дастури орқали 20 минг ёшни дунёнинг нуфузли бизнес

тарбиялаш, жамият ҳаётида иштирок этиш, бир сўз билан айтганда, маънавий эҳтиёжларимизни қондиришга интилиш ҳар биримизга хос хусусият. Юртимизда ҳар йили қарийб 270 мингта янги оила шаклланади ва уй-жойга эҳтиёж, доимий даромад манбаси, фарзандлар таълими, ижтимоий ҳимоя каби масалалар эса жамият барқарорлиғи билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабаб стратегияда ҳар йили камида 10 мингта ёш оилани ипотека дастурлари орқали қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Кредитнинг Марказий банк ставкасидан юқори қисми қоплаб берилиши ёш оилаларнинг молиявий юкни енгиллаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, стратегияда “Ёшлар кўчалари”ни ташкил этиш, китоб дўконлари ва бук кафелар фаолиятини йўлга қўйиш, ҳудудларда минимал инфратузилма стандартларини жорий этиш, алоҳида “ёшлар туман-шаҳарлари”ни танлаб олиш кўзда тутилган. Маънавий ҳаётнинг яна бир муҳим қатлами ижод билан боғлиқ. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, меҳнатини кадрлаш жамиятнинг интеллектуал

салоҳиятини бойитида. Шу мақсадда илгор ижодкорлар учун турли мукофотлар жорий этиш режалаштирилган. Бу эътибор санъат ва адабиётга қизиқадиган, янги гоялар билан майдонга чиқаётган ёшлар учун қўшимча туртки бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Республика миқёсида ўтказилиши режалаштирилган “Ўзбекистон ёшларни севади!”, “Hayot Fest”, “Talaba Fest”, “Talaba Exro 2026” каби лойиҳалар ҳам шу мақсадга йўналтирилган. Робототехника йўналишидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, турли қизиқишларга эга ёшларни бир майдонга жамлаш орқали янги ҳамкорлик ва гоялар учун замин яратилади.

Яна бир муҳим жиҳат: стратегияда руҳий хавф гуруҳига кирувчи ёшлар улушини 40 фоиз камайтириш вазифаси белгиланган. Аввало, бу кўрсаткичнинг ўзи муаммони тан олишга журъат топилигидан дарак. Чунки кўп йиллар давомида психологик саломатлик масаласи ёпиқ мавзулардан бири бўлиб келган. Энди ушбу йўналишга тизимли ёндашув таклиф этилмоқда. Аниқроғи, туну кун фаолият юритадиган психологик алоқа марказини ташкил этиш, ёшларнинг муурожаат қилиш имкониятини кенгайтириш, ёрдами тезкор ва қўлай шаклда етказиш назарда тутилган.

Жисмоний фаоллик масаласига берилаётган эътибор ҳам айнаи қарашнинг манتيкий давомидир. Спорт инсон саломатлигини мустаҳкамлаш воситаси бўлиш билан бир қаторда интизом, ирода ва жамоада ишлаш кўникмаларини қарор топтиради. Стратегияга кўра, спорт билан мунтазам шуғулланувчи ёшлар улуши 25 фоиз оширилади. Бу мақсад инфратузилма имкониятлари, қизиқишни рағбатлантириш ва оммавий спорт маданиятини кенгайтириш билан бевосита алоқадор.

Шу билан бирга, ёшлар билан ишлашда энг катта ҳатолардан бири уларнинг номидан гапириб, муаммоларини эса уларнинг иштирокисиз ҳал этишга уринишдир. Кейинги йилларда ёшлар билан мулоқот бўйича янги тажрибалар шаклланди. Жумладан, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан мунтазам ижтимоий сўровлар ўтказилади. Уларнинг эҳтиёжлари, қўтималари ва кундалик ҳаётда дуч келаётган қийинчиликлари ўрганиб борилади. Шу маълумотлар асосида Миллий ёшлар индекс шакллантирилади. Бу кўрсаткич ҳудудлар кесимидagi вазиятни қўриш, муаммоларни аниқлаш ва қўрилаётган чора-тадбирларнинг таъсирини баҳолаш имконини беради. Ҳар пайшанба куни ёшлар билан мулоқот ўтказилиш ҳам бевосита алоқани сақлаб туришга хизмат қилади. Рақамли платформалар ушбу жараёни янги босқичга олиб чиқиши қўтимлоқда. Бунда бандлик, таълим, ижтимоий фаоллик ва бошқа йўналишлар бўйича маълумотлар мунтазам янгиланади.

Бугун дунё тажрибасидан узилган ҳолда рақобатбардosh авлодни тарбиялаш мушкул. Шу боис, стратегияда 100 минг ёшнинг глобал дастурларда иштирокини таъминлаш вазифаси қўйилган. Халқро форумлар, глобал ташаббуслар, ёшлар анжуманлари орқали йигит-қизлар тажриба алмашиш, ўз билим ва салоҳиятини намойиш этиш имконига эга бўлади. БМТ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққёт банки билан ҳамкорликдаги амалиёт дастурлари ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Қисқаси, бундай кенг қамровли, пухта ёндашув устувор бўлган жамиятда ёшлар давлат сиёсатининг қузатувчисигина эмас, унинг фол иштирокчисига ҳам айланади. Ўзбекистоннинг эртанги қиёфаси ҳам кўп жиҳатдан бугун ёшлар билан қандай мулоқот қилаётганимиз, уларни қай даражада қўллаб-қувватлаётганимиз ва уларга қанчалик ишонаётганимизга боғлиқ.



## ЭЗГУ НИЯТЛАР ТУТАШГАНДА

Юртимизда нурунийлар, меҳнат фахрийлари, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшган инсонларга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликка яна бир бор амин бўлдик. Бу йил кўплаб ўзбекистонлик “Президент ҳожилари” деган улкан шараф билан ҳам амалларини адо этиш бахтига муяссар бўлгани ушбу хайрли ишларнинг юксак ифодасидир. Улар орасида мен ҳам борлигимдан жуда мамнунман.

Муборак ҳаж зиёрати бир умрлик орзум эди. Кўп йиллар давомида юртимиз фаровонлиги, маҳалла тинчлиги ва аҳоли осойишталиги йўлида меҳнат қилдим. Маҳалла раиси сифатида фаолият юритган йилларим одамларнинг дарди билан ашаб, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашдик. Ёшларни тўғри йўлга бошлаш, оилалар ўртасида аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд инсонларга ёрдам бериш каби хайрли ишлар доимо эътиборимиз марказида бўлди.



Азамат МАВЛОНОВ  
Хатирчи тумани

Меҳнатларимиз Президентимиз томонидан эътироф этилганидан оиламиз аъзолари, яқинларим ва маҳалладошларим ҳам жуда хурсанд бўлди. Қўтимлаганда қувончли хабар келди. Вилоят ҳокимлиги мутасаддилари келиб, йўлангани топириб, табриклади.

Ҳаж зиёратига иззат-ҳурмат билан қузатилдик. Ундан олдин Ислам цивилизацияси марказига ҳам экскурсияга бордик. Президентимиз ташаббуси билан янгидан очилган маскан бебаҳо дурдона эканига амин бўлдик. Ҳаж зиёратига қузатиш ва хайрлашув маросимлари ҳаётиямизнинг энг қувончли дамлари сифатида ёдимизда қолди. Саудия Арабистонида

ҳам жуда илиқ кутиб олиндик. Бизга зарур барча шароит яратиб берилди. Бу ҳам Ўзбекистонимизнинг халқро майдонда обрўси ва ҳурмати баланд эканлигини ҳис қилдик.

Орамизда турли соҳада фидойилик қўрсатган инсонлар бор эди. Ушбу жиҳат ҳам юртимизда ҳеч бир кишининг меҳнати рағбатсиз ва эътибордан четда қолмаслигидан далолат.

Зиёратда мамлакатимиздаги тинчлик бардавом, аҳоли турмуши янада фаровон бўлишини сўраб дуо қилдик. Шундай қунлар учун шуқроналар айтдик. Бундан буён ҳам халқимизнинг ишончини оқлаб, маҳаллаларда тинчлик-тотувлик ва аҳиллиқни таъминлаш, ёшларга тўғри таълим-тарбия бериш, эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашишга ҳиссамизни қўшиб яшаймиз.

## Ижтимоий ҳимоя

Бошланиши 1-бета

— Ижтимоий ҳимоя тизимининг энг асосий вазифаларидан бири — ўзгалар парварishiга муҳтож, ёлғиз яшовчи инсонларни қўллаб-қувватлаш. Тошқалъа маҳалласида бундай тоифага кирувчи бир киши яшайди. Унга мунтазам равишда зарур маънавий ва тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда, — дейди Дониёр Жумамуродов. — Шунингдек, 2-тоифа, яъни ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш ҳам доимо диққат марказимизда туради. Маҳалламизда ногиронлиги бўлган 109 шахс рўйхатга олинган. Улар ҳолати ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, тегишли гуруҳларга ажратилган. Бундан ташқари, ҳудудимизда ногиронлиги бўлган 17 та бола ҳам яшайди. Уларнинг барчасига индивидуал ёндашилиб, тиббий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишмоқда.

Аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағаллини қисқартириш йўналишида кам таъминланган оилалар билан ишлаш тизими ҳам шаффоф ва адолатли асосда ташкил этилган. Ҳозирги кунда маҳалла бўйича жами 70 та оила махсус ижтимоий реестрга киририлган бўлиб, уларнинг турмуш шароитини



яхшилаш чоралари қўрилмоқда. Бу оилаларнинг 23 таси тўғридан тўғри давлат таъминотида олинган. Шунингдек, 34 та камбағал оила ва камбағаллик чегарасидаги 13 та оила рўйхати шакллантирилган. Уларни муҳтожликдан олиб чиқиш, бандлигини таъминлаш ва қўшимча даромад манбаларини яратиш бўйича мақсадли дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

— Эртанги кунимиз эгалари бўлган болаларнинг тақдири, айниқса, ота-онаси хорижа меҳнат миграциясига кетган вояга етмаганлар ҳам ижтимоий жиҳатдан ҳимояга олинган. Маҳалламизда жами 9 та шундай бола яшайди. Қаровсиз қолишига йўл қўймайлик мақсадида уларга қонуний вақил, яъни васий ёки ҳомиий тайинланган. Ҳар чорақда яшаш шароитлари, таълим олиши ва руҳий ҳолати чуқур мониторинг қилинмоқда. Болаларнинг меҳр-эътибор огушида, хавфсиз муҳитда вояга етиши учун барча зарур чоралар қўрилмоқда, — дейди Дониёр Жумамуродов.

Амударё туманидаги Тошқалъа маҳалласидаги бундай кенг қўламли ижтимоий ишлар давлат халқчил сиёсатининг амалдаги ёрқин ифодасидир.



### Манзилли ва ҳаётин ижтимоий ҳимоянинг самараси

Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий қиёфаси, аввало, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига қўрсатилаётган эътибор, меҳр ва ғамхўрлик билан ўлчанади. Бугунги кунда юртимиз бўйлаб маҳаллабай ишлаш тизими орқали ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро давлатнинг доимий эътибори ва ижтимоий ҳимояси қамровига олинмоқда.

Амударё туманидаги Юқориқошлоқ маҳалласида ҳам бу борада кенг қўламли, тизимли ва самарали ишлар қилинмоқда. Ҳудудга бириктирилган ижтимоий ҳодим Дилдора Кенжаева ўз касбига фидойилик билан ёндашаётир.

— Юқориқошлоқ маҳалласидаги жами 624 та хонадонда 763 та оила ва 2438 аҳоли истиқомат қилади. Бу рақамлар ортида шунча инсон тақдири, орзу-умидлари ва албатта, турли ижтимоий эҳтиёжлари ётибди, — дейди Дилдора Кенжаева. — Маҳалламизда ногиронлиги бўлган жами 77 шахс яшайди. Ҳозирги кунда ижтимоий реестрга ҳудуддаги 59 та оила киририлган. Уларнинг 10 таси тўлиқ давлат таъминотида, 39 таси камбағал, 10 таси эса камбағаллик чегарасидаги оила. Берилаётган мақсадли кўмаклар уларнинг турмуш тарзини




яхшилашга ва қийинчиликларни енгиб ўтишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ота-онаси хорижа меҳнат миграциясига юрган 22 болага васийлик ёки ҳимойлик тайинланган. Меҳр ва эътиборга муҳтож бу болалар қаровсиз ва назоратсиз қолмаслиги учун уларнинг яшаш ҳолати мунтазам равишда, ҳар чорақда мониторинг қилинмоқда. Амударё туманидаги бундай манзилли ва ҳаётин ижтимоий ҳимоя тадбирлари инсон қадрини улуғлашдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Ижтимоий ҳодимларнинг масъулияти ва сермахсул фаолияти туфайли ҳар бир оила давлат эътиборида.

### Эҳтиёжманд оила болаларига даволаниш учун ваучер

Давлатимиз томонидан юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири, шубҳасиз, инсон саломатлигини асраш, келажакимиз эгалари бўлган болаларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашдир. Президентимиз қарорига мувофиқ, республикамиз бўйлаб амалга оширилаётган меҳр-саховат тадбирлари доирасида тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, энг касаликка чалинган, аммо вақтида зарур чоралар қўрилса, ногиронлиқнинг олдини олиш мумкин бўлган касаликларини тезкор даволаш масаласи кун тартибидagi долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланди. Бу орқали қўллаб-қувватлашнинг соғлигини тиклаш ва келгусида тўлақонли ҳаёт кечирishi учун мустаҳкам замин яратиш мақсад қилинган.

Ушбу эзгу ташаббуснинг жойлардаги ижроси қатъий назоратга олинган бўлиб, ҳудудлардаги тиббиёт муассасалари орқали манзилли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Амударё туманида ҳам ушбу қарор ижроси доирасида кенг қўламли амалий ишлар бошлаб юборилган. Оператив йўл билан даволаниш орқали ногиронлиқнинг олдини олиш мақсадида Амударё туманига жами 58 та махсус қичқарувчи касалликларга чалинган 10 минг болада жарроҳлик амалиёти ўтказиш, онкологик, гематологик ва онкогематологик таъхис



қўйилган 2,3 минг беморни тиббий текшириш, уларни даволаш ва жарроҳлик амалиётини, камида 350 беморда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг омонат ҳисобварақларига 200 доллар миқдорига пул қўйиш харажатларини қоплаш, қолаверса, 500 та маскидда замонавий таҳоратхоналар қуриш, реконструкция қилиш ёки таъмирлаш кўзда тутилган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар ва малакали тиббиёт ҳодимлари томонидан навбатдаги чуқурлаштирилган тиббий қўрик жараёнлари изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ушбу қўриклар на-тижасига кўра, шиқоркорлар томонидан тавсия берилган ва жарроҳлик амалиётига муҳтож деб топилаган болалар ваучерлар билан таъминланади.

Инсон қадрини улуғланган юрда соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги бундай саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, миллат генофондини асраш ва порлоқ келажакни барпо этишда бекиё самарасини бериши шубҳасиз.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Нодир МАҲМУДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

### Мафкуравий восита ва тахририят миссияси

— Суҳбатимизни бугун даврий матбуот, яъни босма нашрларнинг жамиятда тутган ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақидаги мулоҳазалар билан бошласак, мантиқан тўғри бўлса керак?

— Давлатимиз раҳбари президентлик лавозимига киришган илк дамлардан бошлаб то шу кунгача ўз нутқларида журналистлар ҳақида кўп тўхталади. Вилоятлар бўйлаб амалий сафарларида ҳам қалам аҳли билан мунтазам мулоқот уюштиради. Ўзбекистонда барча сиёсий ҳуқуқлар қаторида виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатлари сўзсиз таъминланиши, сўз ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш мавзусига алоҳида мурожаат қилади.

Бугун мамлакат етакчисининг бир сония ҳам ортга чекинмай, қийинчиликларни мардондор енгиб, ички имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ақл-заковат билан халқимизни дадил олга бошлаб бораётганини бугун дунё тан олмақда. Бундай халқчил сиёсатни муваффақиятли амалга оширишда “Янги Ўзбекистон” газетасининг мафкуравий восита сифатидаги ўрни беқиес.

Мулоҳазалар аввалида бу фикрларни бежиз келтирмадик. Зеро, журналистларнинг асосий вазифаси аҳолига ахборот етказиш, маълумотларни очиқлашдан иборат. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари эркин экани қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ОАВда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эга. Давлат матбуотининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини, мулк ҳуқуқини, давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Янги Ўзбекистонда этилган шароит матбуот ҳамда жараёнларни бор бўй-басти билан намоён қилувчи журналистлар олди-га улкан вазифалар қўйди. Бу — бунёдкор халқимиз ҳамжихатликда яратётган янги тарихий давр моҳиятини тўлиқ очиб бериш, жаҳон ҳамжамиятига уни борира қўрсатиш. Миллий матбуот даргалари ва устозларимиз ушбу мақсад ва вазифалар ижроси йўлида “Янги Ўзбекистон” газетаси етакчи позицияда эканини эътироф этишига кўп бор гувоҳ бўламиз. Демак, тахририят ўз миссиясини сидқидилдан адо этишга астойдил бел боғлаган, дейишга барча асослар етарли.

### Эзгу ғоя атрофида бирлашиб

— Ўтган қисқа вақт мобайнида газетанинг ахборот тарқатиш, воқеликни таҳлил қилиш жараёнига қўшилиши қандай кечди?

Газета олдида мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни кенг ёритиш, давлат сиёсати ва унинг натижаларини аҳолига тушунарли тарзда етказиш, жамиятдаги муҳим муаммоларни кўтариш ва муҳокама майдонини яратиш каби қатор мақсадлар бор. Нашр нафақат расмий ахборот тарқатиш, балки таҳлилий журналистикани ривожлантиришни ҳам ўзига вазифа қилиб қўйган.

Газетанинг концепцияси “Янги Ўзбекистон” ғояси билан узвий боғланган. Бу ғоя мамлакатнинг янги тараққиёт босқичи, демократик ислохотлар ва инсон қадрини юксалтириш тамойилларини акс эттиради. Шу маънода, бугун давлат бошқаруви, иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик ва инвестициялар, таълим ва илм-фан, маданият ва маънавият, ёшлар сиёсати, халқаро муносабатлар, экология, ҳудудлардаги ижтимоий турмуш каби мавзулар саҳифалар мундарижасини ташкил қилади.

Бугун “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ таркибда давлат мукофоти билан тақдирланган ўндан ортиқ ижодкор, хусусан, 3 нафар

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, “Олтин қалам” миллий мукофоти совриндорлари, турли нуфузли кўрик-танловлар ғолиблари, Журналистлар ҳамда Ёзувчилар уюшмалари аъзоларидан иборат жамоа бир оила бўлиб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилмоқда.

Тахририятда “устоз-шогирд” анъанаси юқори даражада йўлга қўйилган. Ёш, умидли журналистлар катта ҳаёт ва ижод тажрибасига эга устозлар тутумидан сабоқ олади. Шунингдек, ҳар йили мамлакатимиздаги қатор олий таълим муассасаларида таълим олаётган юзлаб талабалар — бўлажак ҳамкасбларимиз газета ҳузуридаги маҳорат мактабиди амалиёт ўтаб, ўз иқтидорларини чарлаб боради.

Бундан ташқари, жамоа аъзолари ижоддан ташқари бўш пайтида спорт мусобақалари, ички туризм, маданий тадбирларда ҳам фаоллик кўрсатади. Айниқса, тахририят журналистлари бугун спортнинг мунтазамлик касб этган футбол, волейбол, стол теннис, шахмат-шашка турларида ҳар қандай рақибни бемалол бахсга чорлайдиган тайёргарликка эга.

Гапнинг индаллосини айтганда, олдинни кўра билувчи Бош муҳаррир ва куйинчак ўринбосарлар, уларга елкадош бўлаётган бўлим мудирлари, зукко адабий котиб, тезкор катта муҳбир ва муҳбирлар, вилоятлардаги мухбирлик пунктларидаги фидойи ҳамкасблар, хушёр веб-сайт муҳаррирлари, газета чоп этилмасдан аввал уни тасаввурида шакллантириб оладиган масъул котиб ва саҳифаловчи-дизайнерлар, кўз нуруни



тўкаётган мусахҳихлар, нигоҳи тийрак фотомуҳбир ва видеооператорлар, ҳозиржавоб ҳисобхона, жамоатчилик билан алоқалар бўлими ходимлари, меҳнат муҳофазасига масъуллар, ишга доим шай ҳайдовчи ва маъмурилар Президентимизнинг “Янги Ўзбекистонни халқимиз билан бирга қураимиз” деган эзгу ғояси бирлаштириб турибди.

### Матбуот — фикрлар тилмочи

— Ҳозир замон шиддати балинд, воқеалар ривожини назорат қилишни қўя турайлик, ҳатто ислохотлар жараёнини пешма-пеш кузатиб, муносабат билдириб боришга улгуришининг ўзи осон бўлмай қолди. Аммо фахр билан айтиш мумкинки, миллий матбуотимизга тамал тоши қўйилган юз йиллар нарисидан то бугунга қадар қалам аҳли — журналистлар ўз зиммаларидаги масъулиятга виждонан ёндашиб келадилар. Худди шонир, ёзувчи, санъаткорлар каби халқимиз суяб



ардоқлайдиган, одамлар таниб, бир оғиз суҳбатини олишга муштоқ адолатпарвар ва ўз ишининг моҳир устаси саналадиган устозларимиз бўлган ва ҳозир ҳам бор.

— Ҳа, ўша ўтган асрнинг долғали кезларида ҳам давр, сиёсат, тузум қандай эканидан қатъи назар, юрт равнақи, халқ манфаати йўлида фаолият юритган фидойи журналистлар миллий матбуотимизни юқори поғоналарга кўтаришга хизмат қилган. Аслида, бу фазилат қалам аҳлининг янги-янги авлоди учун жадид боболаримиздан мерос.

“Ҳақиқий ижод жонфидоликни талаб этади” ва бу қараш замонавий ўзбек миллий матбуоти тарихига ўтган асрнинг боши, яъни 1906 йилнинг 27 июнида пойдевор қўйилгандан бери рамзий шиор сифатида амал қилиб келади. Ўша санада “Тараққий” газетаси нашр қилинган. “Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожини йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг кўеши, ҳар кимнинг виждонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим”. Миллий матбуотимизнинг тамал тошини қўйган жадид боболаримизнинг ушбу фикрлари ҳозирги кунимиз учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Матбаа нашрлар бир неча ўн йиллар давомида тарихан ўз зиммасига юклатилган муҳим вазифани ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий ҳаётга оид долзарб ахборотни ҳозиржавоблик билан турли публицистик шакл (жанр) ларда оммага етказиб, шу йўл билан ўз ўқувчиларида ҳаёт воқеликларига нисбатан муайян муносабат ва тасаввур пайдо бўлишига, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий ғоя ва эътиқодлар шаклланишига таъсир кўрсата бориб, жамоатчилик фикрининг маҳсули ва ифодачиси бўлиб келди. Нафақат ахборот воситаси, балки муайян даврнинг воқеа-ҳодисалари, янгиликларини, ривожланиш силсиласини ўз саҳифаларида муҳрлайдиган энг муҳим тарихий манба вазифасини ҳам ўтади.

Масалан, бугун “Янги Ўзбекистон” газетасининг 1725-сонини дунё юзини кўрди. Бу нима дегани? Бу шунини аниқлатадики, ўтган олти ярим йил давомида 6 саҳифа, зарурат бўлганида эса 8 саҳифада чоп этиб келинаётган кундалик газета ўзидан бутун бошли янги давр — Янги Ўзбекистон солномасини жамламоқда. Меннинг саҳифаларимдан жой олган ва олаётган таҳлил, тақлиф, ташаббус ва илгор ғояларга

йўғрилган мақолалар ушбу солномани шакллантирапти. Газета тахлами эса ҳар кунни янги саҳифалар билан қалинлашиб борапти.

Муаллифларимиз сафи асосан тахририят ижодкорларидан ташқари зиёлилар, соҳаларнинг илгор мутахассислари, депутат ва сенаторлар, вазирлар ва ҳокимлар, халқимизнинг етуқ вакилларидан таркиб топган. Яъни улар барча жараёнларнинг ичидидаги инсонлардир.

### Замон талабига мос

— Замон ва тараққиёт бир жойда туриб қолмайди. Бугун давр зайлига кўра медиаконвергенция атамаси ва тушунчаси матбуот оламига шиддат билан кириб келди ва ўзининг мустаҳкам ўрнини топди. Шундай эмасми?

— Бугуннинг журналисти сўзи ўткирлиги баробарида профессионализм маънаси, тажрибасини ошириб бориши шарт. Зеро, энди фақат матн билан ўқувчи қалбини забт этиб бўлмайди. Фото, видео, аудио имкониятларидан фойдаланиш, қисқа айтганда, медиаконвергенцияни қўллаш талаб этилади.

Саволда янграган фикрларни далиллаш, исботлаш учун ортиқча уринишнинг ҳо-жати йўқ, ҳаммаси кундек равшан. “Янги Ўзбекистон” газетаси чоп этила бошлаган дастлабки кунларданок бу масала бир зум бўлсин эътибордан қочирилган эмас. Бугун газета қанча вақтдан бери чиқаётган бўлса, унинг электрон шакли, яъни yuz.uz сайти, телеграм канали, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳам шунча муддатдан бери муштарийлар учун хизмат қилиб келяпти. Юртимиз ва дунё саҳнида ҳар кунни юзлаб, балки минглаб воқеалар, янгиликлар юз беради. Газета имконияти чекланган, яъни уларнинг барини 6 ёки 8 саҳифага сиғдириб бўлмайди.

Шундай пайтда сайт ва ижтимоий тармоқдаги саҳифаларимиз масалага ечим бўлади. Масалан, айна пайтда бир ҳафтада ўрта ҳисобда 600 тага яқин ахборот, хабар ва видеоматериал жойланади. Май ойининг статистикасига таяниб айтсак, yuz.uz сайтига шу вақт мобайнида 500 мингга яқин фойдаланувчи ташриф

буюрган. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларга мурожаат қилганлар сони эса бундан ҳам кўп. Қувонарлиси, босма ва электрон нашрларимизга қизиқиш мамлакатимиз ташқарисиди ҳам катта. Дунёнинг ўнлаб давлатларида муштарий ва кузатувчиларимиз бор. Бу жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистондаги янгилаиш ва ўзгаришларга катта хайрхоҳлик билан назар солиб турибди дегандир.

### Эришилганидан эришилмаган натижаларимиз кўп

— Катта устозларимизнинг бир ўғитини кўп эшитамиз ва баъзан тафаккур этишга ожизлик қиламиз. Улар айтадики, “Журналистика — ижодий жараён майдони, журналист — ижодкор шахс. Қачон ва қерда бўлмасин, матбуот азалдан муайян қарама-қаршиликлар оламида яшаган, фаолият юритган. Ана шундай энг мураккаб шароитларда ҳам журналистикани ва журналистни ижодий маҳорат қўтқарган. Халоскор куч — ижодий маҳоратда! Сўздан қудратли куч йўқ”.

— Касб байрами арафасида жамиятда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, сўзнинг қудрати ҳақида қанча гапирсак ярашади. Атоқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад матбуот мавзусига бағишлаб эълон қилган мақоласида “Янги Ўзбекистонимизда шаклланаётган, тобланаётган янги журналистика, янги матбуот ва янги журналистлар авлоди ҳаёт ва замон кўндаланг қўяётган ҳар қандай муаммонинг оқилона ечимини топа оладилар деб ишонамиз. Зеро, матбуот ва журналистика — матонатлилар, топқирлар, зукколар майдони!”, деб ёзган эди.

Бугун глобал дунёдаги муносабатлар, мулоқотлар, келишувлар биргина ахборот, сўз қудрати билан ечим топаётгани сир эмас. Хўш, бугун янги Ўзбекистонимизда шаклланаётган, тобланаётган янги журналистика, янги матбуот ва янги журналистлар авлоди жамият кўндаланг қўяётган муаммоларининг оқилона ечимини топишда қандай фаолият юритяпти?

Бу масалага давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнида соҳа вакилларига йўллаган табригидан олинган қуйидаги иқтибос билан ойдинлик киртсак:

“Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўз касбини, она тили билан бирга хорижий тилларни, АТ технологияларни пухта эгаллаган, жонқуяр ва ватанпарвар янги журналистлар авлоди етишиб келаётгани барчамизни хурсанд қилади. Айна вақтда оммавий ахборот воситаларида холислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал билим ва маҳоратни ошириб бориш, ахборот тарқатишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, аҳоли ўртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур”.

Олдинда вазифалар, эришилганидан эришилмаган натижаларимиз кўп. Мамлакат етакчисининг ўзи оммавий ахборот воситалари ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бундан буюн ҳам янги Ўзбекистонда юритилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолишини бот-бот таъкидлаб турганида, мўлжалдаги чўққиларни забт этиш ҳар бир қалам аҳлининг олий мақсадига айланса, адолатдан бўлар эди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ.